Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 30-may, payshanba
№ 66 (14557)

*Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилотининг биринчи Республика анжумани бўлиб ўтди.*

*Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлабоқ иқтидорли ва истеъдодли болаларга катта эътибор берилмоқда.*

## БОЛАЛАРНИНГ ТАЯНЧИ, ХАЛҚНИНГ ИШОНЧИ

Республикамизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилотининг ташкил этилиши ҳам ёшларимизнинг ўз маҳоратларини ҳар томонлама намоён қилишларига кенг имкониятлар яратди. Иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг иқтидорини намоён этиш ва уни янада ривожлантириш, шароит яратиш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда.

Ташкилотнинг асосий мақсади болаларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Президент ва Давлат рамзларига садоқатли бўлишларига, Ватаннинг содиқ фуқаролари бўлиб вояга етишишларига, ўз ишлари ва ҳаракатлари билан жамиятта фойда келтиришларига ёрдам беришдан иборатдир. Бугун ташкилот бир ёшга тўлди. Бу давр мобайнида у анча-мунча ишларни қилишга улгурди. Ёшларга буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш дейсизми, ёки "Хизмат-беминнат", "Меҳр-шафқат" гуруҳларини ташкил этиш орқали болаларда меҳнатсеварлик, меҳрибонлик ва инсонийлик фазилатларини шакллантиришда кўмаклашди. Қолаверса, ёшларни жамоа орасида ўз фикрини тўла ифодалашга, ўз тарихини ўрганиш, юртимиз табиатини асрабавайлаш, эъзозлаш, унинг кўпайишига ҳисса қўшишга ўргатди. Ташкилот ёшлар ҳаётига турли тадбир ва ташаббуслар билан кириб бора олди, дейиш мумкин. Муҳими, ёшлар — болажонлар ушбу ташкилотнинг нима учун ташкил этилганлигини англаб етдилар.

Бир йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинадиган бўлса, олиб борилаётган ишлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Чунки, ўтган қисқа вақт ичида болажонлар қалбига йўл топиб, уларни ўз атрофида бирлаштира олди, энг асосийси болаларнинг яқин кўмакчиси ҳамда ҳамкорига айланди.

Ўқувчилар мактабда олган ўз билимларига ва касб-маҳоратига ижодий ёндашган ҳолда қобилиятларини намойиш этиш, ўз фикрини ўз ишлари орқали баён этиш, Ватанга, халқига ва ота-онасига бўлган муҳаббатини билдириш мақсадида "Семурғ" оромгоҳида ўтказилган I Республика анжуманига ташриф буюрдилар. Бу кунни ёшлар орзиқиб кутдилар. Болалар ташкилоти ташкил қилиниши орқали бугун бу анжуманда улар бир-бирлари билан учрашиб туришибди.

Анжуман очилишида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаш раиси Ботир Убайдуллаев барча иштирокчиларни байрам билан табриклаб, уларнинг ишларига муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг Республика техник ижодиёти маркази ходимлари томонидан тайёрланган чиқишлар намойиши бўлиб ўтди. Унда болалар томонидан ясалган самолёт ва ракеталар учирилди. Барча анжуман иштирокчилари ўз вилоятларидан олиб келган тўгарак ишлари, кўргазмалари ва Болалар ташкилотига ягона ном бериш каби чиқишларини тақдим этиш давомида тўпланганларни ҳайратга солдилар. Болажонлар болалик ҳам катта имкониятларга бой давр эканлигини исбот этишди. Анжуман олдидан 5 га бўлинишга улгурган гуруҳлар ўз номлари, шиорлари ва сардорларини сайлашни ҳам уддалашибди. Унга кўра 1-гуруҳ — "Қалдирғоч", 2-гуруҳ — "Мен", 3-гуруҳ — "Камалак", 4-гуруҳ — "Ниҳол" ва 5-гуруҳ — "Юлдуз" деб аталибди. Барча вилоятлардан келган 140 нафар болалар ана шу гуруҳларда фаол иштирок этишди. Болалар ташкилоти Республика анжуманининг 1-сонли газетасини чиқаришга ҳам улгурибди. Болалар ўз фикрларини янги нашр орқали барча анжуман иштирокчиларига етказиб турдилар.



Шунингдек, анжуманда иштирок этаётган болаларнинг таклифига биноан Республика раёсати қошида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Болалар ташкилоти сардорларидан иборат Кенгаш тузиш зарурлиги, бу орқали эса ташкилотда болаларнинг фаол қатнашишига эришиш мумкинлиги билдирилди. Таклиф барчага маъқул бўлиб, уларнинг Кенгаши тузилди. Фарғоналик Аброр Турғунов Болалар Кенгаши раиси этиб сайланди.

Катта концерт дастурида "Оловуддин" ва "Рақс" шоу гуруҳларининг чиқишлари, Ўзбекистоннинг бўлғуси ёркин юлдузларининг ўйинкулгу ва рақслари бутун майдонни қамраб олди. Рақсга тушаётган болакайлар бирваракайига бир-бирлари билан расмга тушиш мақсадида ўзлари билан олиб келган фотоаппаратларини шиқиллатишга ҳам улгуришди. Бир зумда суратларга муҳрланган лаҳзалар улар учун унутилмас бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Болажонларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун дискотека ҳам ташкил этилди. Юзларидаги табассумдан, кайфиятларидан билиняптики, анжуман уларга ёқаяпти. Зеро, тадбир ташкилотчиларининг мақсади ҳам уларга қувонч ва хурсандчилик улашиш эди...

— Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида юксак маънавиятли, соғлом, билимдон қилиб тарбияловчи болалар томонидан тузилган жамоат ташкилоти ҳисобланади, — дея ўз сўзини бошлади Республика Болалар ташкилоти раиси Қаҳрамон Қуронбоев. — Ташкилот ўз аъзоларини жаҳон андозалари меъёрида илм ва маърифат соҳиблари, баркамол инсон бўлиб камол топишлари учун кўмаклашади. Болалар ташкилоти бугун бир ёшда. Бутун республикамиздан ташриф буюрган болалар ҳамжиҳатлик билан Болалар ташкилотининг бир йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида шу ерга йиғилишган. Бу оромгоҳда ўз вилояти, туманида иқтидорини намоён эта олган, яратувчанлик, ижодкорлик иштиёқидаги болалар қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Бу ерга йиғилган болалар бир ёшга тўлган ташкилотимизга муносиб ном бериш учун беллашишди.

**— Ҳар бир вилоят тўгаракларидан келтирилган намуналар асосидаги кўргазмалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Айтиш керакки, ушбу кўргазмалар нафақат болаларда, балки анжуман ишида иштирок этган катталарда ҳам катта таассурот қолдирди. Ва бу масалага жойларда катта эътибор берилгани намоён бўлди. Аслида ҳаммаси - тўгараклардаги ишлар ҳакамлар ҳайъати таркибига кирган аъзолар томонидан синчковлик билан ўрганилди. Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари вакилларининг намойиш этган кўргазмаларда турли хил йўналишдаги тўгаракларнинг иши намоён бўлган бўлса, Фарғона ва Хоразм тасвирий санъат усталарининг ишлари, навоийликларнинг каштачилик маҳорати, Тошкент вилояти вакилларининг қўғирчоқ ясашда тенгсиз эканликлари барчанинг диққатини тортди.

**— Суҳбатимиз бошида ташкилотга ягона ном бериш ҳақида айтиб ўтдингиз...**

— Ном бериш мавзуси кўп фикрлилик ва баҳс-мунозара орқали ҳал этилади. Бу анжумандан кўзланган асосий мақсад болаларни танланган ягона ном остида бирлаштиришдир. Номлаш масаласи қизғин тортишувларга сабаб бўлди. Фарғона, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри "Камалак" номини, Бухоро вилояти "Янги авлод", Сирдарё вилояти "Амир Темур авлодлари", Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси "Ниҳол", Навоий вилояти "Келажак авлод", Қашқадарё вилояти "Умид юлдузлари" номларини ёқлаб чиқишди. Тортишувлар эса ҳеч бир самара бермади. Овозга қўйилганда "Камалак" номига кўпчилик хайрихоҳлик кўрсатди. Шунда анжуман номидан Болалар ташкилотининг раёсатига ана шу номни тавсия этиш кўзда тутилди. Лекин, бу шу номга тўхталинди, дегани эмас. Ҳали ном танлаш учун оммавий ахборот воситаларида алоҳида танлов ўтказилади.

**— Ҳар бир вилоят гуруҳларининг "Болалар ташкилотига ягона ном бериш" кўрик-танлови бўйича тайёрлаб келган чиқишларининг намойиши қандай баҳоланди?**

— Тўгарак кўргазмаларининг якуни билан барча яна бир тадбирни кўриш учун "Дискэстрада" деб номланган майдонга тўпланишди. У ерда ҳар бир вилоят гуруҳларининг кўрик-танлов бўйича тайёрлаб келган чиқишларининг намойиши бўлиб ўтди. Намойишларни баҳолайдиган ҳайъат таркиби ҳам ўзгаришсиз қолди. Таъкидлаш жоизки, бу ерда ҳам Бухоро ва Сирдарё вакиллари ҳеч кимга имконият қолдиришмади. Муҳими, уларнинг чиқишларида ном бериш, ташкилот тизими ва улар билан боғланиб кетган бадиий қисм аниқ ва равонлиги билан ажралиб турди.

**— Бошқа вилоятлар-чи?**

— Тўғри, хоразмликлар рақсда ўзларининг тенгсиз санъатлари борлигини, наманганликлар эса шеър айтиш маҳоратини, қорақалпоғистонлик жажжи ўғил-қизлар ширали овоз соҳиби эканликларини намойиш қилишса-да, умумий мақсадни ечишда озгина нўноқлик қилишди. Айниқса, кўпчилик пойтахт вакилларидан кўп нарса кутишган эди. Бироқ...

Болалар ташкилотининг Республика I-анжумани иштирокчилари мамлакатимизнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча болаларига мурожаат қабул қилди.

**Лола СОАТОВА,**
**«Turkiston» мухбири**

## ҚАДРЛИ ТЕНГДОШЛАР!

Биз — анжуман иштирокчилари ташкилот фаолиятининг янада қизиқарли, мазмунли бўлиши учун кўп баҳслашдик ва қилинадиган ишлар олдимизда жуда кўп эканлигини англадик. Ўйлаймизки, бундай ишларни режалаштириш сизнинг дилингиздан ҳам кечгандир. Шундай экан, келинг биргалашиб ташкилотимиз фаолиятини янада ранг-баранг ишлар билан бойитайлик.

Энг аввало, Болалар ташкилотида бир йил ичида жамланган ишларни янада ривожлантирайлик. Жонажон Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ўз кучимизни аямайлик.

Президентимизнинг бизларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ва меҳрибонликларига жавобан Ватанга муносиб фарзандлар бўлайлик.

Билим ва касб-ҳунар малакаларини эгаллайлик, қишлоқ ва маҳаллаларимизда турли устахоналар, кичик корхоналар ташкил этишга эришайлик.

Жиноятга, айниқса гиёҳвандликка мойил болаларни бу ҳалокатли йўлдан ўз вақтида қайтариш учун бор кучимизни аямайлик.

Тенгдошларимизнинг турли экстремистик оқимлар, зарарли секталар таъсирига тушиб қолмасликлари чораларини кўрайлик.

Бошланғич жамоаларимиз қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш ташаббуси билан чиқайлик! Болалар боғларини бунёд этишга киришайлик.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, айниқса, сувни тозалигини сақлаш мақсадида "Табиат қўриқчилари" гуруҳларини тузайлик!

"Меҳр-шафқат" гуруҳлари ишини ривожлантириб, бемор қариялар, ногирон тенгдошларимизга яқиндан кўмаклашайлик.

Миллий урф-одатлар ва меросимизни эъзозлайлик!

***Анжуман иштирокчилари***

## СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

***Мамлакатимиздаги энг гўзал гўшалардан бири бўлган "Семурғ" оромгоҳида анжуман қатнашчиларини суҳбатга тортиш, объективга тушириш қийин кечди. Чунки болажонлар ўз ишлари билан шунақанги банд эдиларки, уларни чалғитишга кўз қиймасди. Шундай бўлса-да, уларга "Анжуман сизга нима берди?", "Анжумандан кейин ҳаётингизда қандай ўзгаришлар бўлади?", "Анжуманга қандай ҳисса қўшдингиз?" деган саволлар билан мурожаат қилавердик. Суҳбат баҳона иштирокчилар билан яқиндан танишиб ҳам олдик.***

**Нодира Қурбонова:**

— Менинг тилагим — Болалар ташкилоти аъзолари кўпайсин. Болалар доимо ўқишсин, изланишсин, интилишсин. Ва катта мукофотлар совриндорлари бўлишсин. Барча орзу-ниятларига эришишсин. Кейинги анжуманларда уларга омад ёр бўлишини истайман.

**Севара Кўчқорова:**

— Бу анжуманга қатнашишимдан мақсад ўз тенгдошларим билан танишиш, уларга ўз маҳоратимни кўрсатиш, улардан ўзимга зарур бўлган нарсаларни ўрганиш.

**Зумрад Тўлабоева:**

— Ҳамма ёшлар қатори менга ҳам бугунги байрам тадбирлари жуда ёқди. Биз йўлда жуда қизиқарли воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Автобусда қизларнинг шўх қўшиқлари қалбларда эзгуликни уйғотди.

**Алишер Халилов:**

— Анжумандан олган таассуротларимиз, орттирган дўстларимиз умрбод бизга ҳамроҳ бўлади. Болалар ташкилоти атрофида янада жипслашиб, буюк келажакни яратиш йўлида барчаларига улкан муваффақиятлар тилайман.

**Миразиз Ўрозалиев:**

— Бугунги анжуман келажак авлодларнинг ақлли, зукко, топқир эканлигини кўрсатди. Болажонларнинг келгусида яхши инсонлар бўлиб етишишига, Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёйишида, ўқиш ва ишларида омад тилайман.

**Суннатилла Қўзиев:**

— "Янги авлод" студияси барча анжуман иштирокчиларига омад ва бахт тилайди. Нимаики орзулари бўлса тилакдошмиз.

**Муяссар Жамолиддинова:**

— Анжуман иқтидорли, зукко бўлган келажак авлодларимизни бирлаштирди, уларни мустақил фикрлашга, ғоялар алмашувига чорлади. Болаларнинг она-Ватан, бахтли болалик, ташкилот ҳақидаги шеър, қўшиқларини тинглаб дилинг қувнайди. Демак, ташкилот республика болалари учун жуда ҳам зарур экан. Анжуман болаларнинг қалбида улкан ҳисларни уйғотди, кутилгандан ҳам аъло даражада ўтди.

**Жумагул Давлатова:**

— Менинг қадрдоним, Болалар ташкилоти, аввало сенинг кутлуғ бир йиллик тўйинг билан самимий кутлайман. Ўзбекистондаги барча болаларга, анжуманни ташкиллаштирганларга дунёдаги барча яхши тилакларни тилайман. Сени дилдан севиб қоламиз. Бундай байрамларинг кўпаяверсин.

**(Давоми 2-бетда)**

***«УНИВЕРСИАДА — 2002»***

## ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА







Шу кунларда кўҳна ва навқирон Бухоро талаба ёшлар шаҳрига айланган десак муболаға бўлмайди. Мамлакатнинг 61та олий ўқув юртидан саралаб олинган икки ярим минг нафарга яқин спортчи ёшлар бу ердаги "Бухоро", "Ёшлик", "Семурғ", "Ҳумо", "Нафис" спорт мажмуаларида, Абу Али ибн Сино номидаги Маданият саройи, Бухоро Давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Ф. Хўжаев номидаги академик лицей спорт залларида, "Ситора" ўйингоҳида, шунингдек, Ромитан, Вобкент, Бухоро туманлари, Когон шаҳри марказий ўйингоҳларида спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашувларни қизғин ўтказмоқдалар.

Ўзбек спорти деганда даставвал кўз олдимизга миллий кураш келади. Кураш "Универсиада-2002" ўйинларида ҳам асосий турлардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтказилган баҳсларда талабалар етти вазн тоифаси бўйича курашга тушдилар. Мусобақалар икки кун давом этиб, ҳар бир вазн бўйича универсиада чемпионлари ва совриндорлари аниқланди. 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида бухоролик Ўткир Эгамов Универсиада кураш майдонида мутлақ ғолибликни қўлга киритган илк чемпион бўлди. У тўрт олишувда сирдарёлик Ўткир Ҳайитметов, тошкентлик Шуҳрат Келдиёров, Тошкент-I жамоасидан Искандар Расулов ва қашқадарёлик Шерзод Раҳмоновларни йиқитиб, ўз вазнида энг кучли эканлигини кўрсата олди.

66 килограммгача бўлган вазн тоифасида Тошкент-I жамоаси вакили Темур Аҳмедов, 73 килограммгача бўлган вазн тоифасида яна Тошкент-I жамоасидан Фарҳод Тўраев, 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида қашқадарёлик Зоҳид Ҳусанов, 100 килограммгача бўлган вазн тоифасида эса бухоролик Шуҳрат Хўжаев ва 100 кг.дан ошиқ бўлган вазн тоифасида тошкентлик Абдулла Тангриевлар Универсиада чемпиони деган номга сазовор бўлдилар.

Беллашувларнинг финал босқичида икки нафар жаҳон чемпиони — Шуҳрат Хўжаев ва Камол Муродовларнинг олишуви, айниқса муросасиз кечди. Олишув давом этган тўрт дақиқа мобайнида мухлисларнинг ҳаяжонли ҳайқириқлари майдонни ларзага солиб турди. Полвонлар бир-биридан қолишмасди. Бироқ ёши ва тажрибаси бироз катта бўлган Шуҳрат Хўжаев келбати ўзидан ҳийла улуғвор бўлган тошкентлик Камол Муродовни икки марта чала йиқитишга муваффақ бўлди ва шу туфайли очколарини ошириб, чемпионлик шоҳсупасига йўл олди.

"Универсиада"нинг дастлабки куни кечқурун Абу Али ибн Сино номидаги Маданият саройи олдидаги амфитеатрда енгил атлетика бўйича дастлабки ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов мукофотларни топшираркан, бу чемпионлар ва совриндорлар келажакда мамлакатимиз шарафини нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам ҳимоя эта олишларига ишонч билдирди. Улар қуйидагилардир:

Тўсиқлар оша 110 метрга югуриш бўйича:

Олег Норматов (Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институти)-I ўрин, Алексей Обжигайло (Андижон Давлат университети)-II ўрин, Олег Хрипов (Жиззах Давлат педагогика институти)-III ўрин.

Қизлар ўртасида тўсиқлар оша 100 метрга югуриш бўйича:

Наталья Филатова (ЎзДЖТИ)-I ўрин, Ильмира Гарафутдинова (Жиззах политехника институти)-II ўрин, Барно Ботирова (Урганч давлат университети)-III ўрин.

Ядро улоқтириш бўйича:

Станислав Черкасов (ЎзДЖТИ) ва Наташа Бессмертних (Тошкент Давлат аграр университети).

Уч ҳатлаб сакраш бўйича: Диана Плумаки (ТДАУ) ва Дмитрий Маштаков (ЎзДЖТИ).

1500 метрга югуриш бўйича: Радик Хуббиев (ЎзДЖТИ) ва Александра Родигина (ЎзДЖТИ).

400 метрга югуриш бўйича: Марат Бикмурзин (ЎзДЖТИ) ва Елена Пискунова (СамДУ).

100 метрга югуриш бўйича: Шавкат Шарипов (БухДУ) ва Альбина Сибагатуллина (ЎзДЖТИ) биринчи ўринни эгалладилар ва чемпион деган номни илк бора қўлга киритдилар.

Кўпчилик эътиборини тортаётган мусобақалардан яна бири волейболдир. 16 та жамоанинг йигит ва қизлар волейболчи гуруҳлари мусобақаларни давом эттирмоқдалар. Қизлар мусобақасидаги дастлабки учрашувларда Қорақалпоғистон-Андижон 3:0, Фарғона-Тошкент 3:0, Сурхондарё-Навоий 3:0, Наманган-Қашқадарё 3:0, Самарқанд-Тошкент III 3:0, Хоразм-Бухоро 1:3, Тошкент II-Жиззах 3:0 натижалари қайд этилган бўлса, йигитлар ўртасида Самарқанд-Навоий 3:0, Андижон-Хоразм 3:0, Наманган-Сирдарё 3:0, Фарғона- Жиззах 3:0, Тошкент I-Тошкент III 3:0, Тошкент вилояти- Тошкент II 3:0, Қорақалпоғистон-Бухоро 3:0 ҳисобида якунланди.

Бошқа турлар бўйича ҳам дастлабки учрашувлар қизғин ўтмоқда. Мусобақаларни ҳар томонлама юқори даражада ўтишини таъминлашда ҳакамлар ва ташкилотчилар қаторида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилоят Кенгаши ҳам барчага намуна кўрсатаётганини айтиб ўтиш жоиз. Айни кунларда Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши ходимларини иш жойидан топиш амримаҳол. Улар шаҳар ва туман Кенгашларининг ходимлари билан бирга мусобақа ўтаётган жойларда ҳозиру нозир бўлмоқдалар. Вилоят Кенгашидан тўртта хона "Универсиада штаби" учун бўшатиб берилган. Штабнинг муҳим бўғини ҳисобланган "Матбуот маркази" ҳам шу хоналардан бирида жойлашган. Республика пойтахтидан келган журналистлар бу ердаги ахборот узатиш тармоқлари орқали "Универсиада" кундалигини ёритиб бормоқдалар.

**Саидбурҳон ҚОДИРОВ,**
**«Turkiston»нинг махсус мухбири**

